



СТРАТЕГИК ВА МИНТАҚАЛАРДА  
КУТУБХОНАСИ  
ТАДЖИҚОТБЭЗ ИНСТИТУТИ

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 26 август, № 167 (6350) Чоршанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ЭСКИ ШАҲАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 25 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.



Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланмоқда. Барча шаҳару қишлоқларимизда кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, аҳолининг ҳаёт сифати юксалиб бормоқда. Президентимиз ташаббуси билан шаҳарларимиз бош режа асосида қайта қурилмоқда. Буни Нукус, Урганч, Бухоро, Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Қарши, Термиз ва бошқа шаҳарларнинг бугунги жамоли мисолида яққол кўриш мумкин. Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида юртимизнинг барча ҳудудларида янги санаот корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари, санъат ва

спорт саройлари, йўл ва кўприклар, замонавий уй-жойлар қуриб битказилди. Истиқлол йилларида шаклланган эзгу аъёнага кўра, уларнинг аксарияти энг улуг ва энг азиз байрамимиз арафасида фойдаланишга топширилмоқда. Президентимиз Ислон Каримов 25 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Тошкент — мамлакатимиз тимсоли, бетақрор Ватанимиз кўрку таровати, мустақиллик йилларидаги тараққиётни ўзида мужассам этган азим пойтахтимиздир. Президентимиз раҳнамолигида бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳар ўзининг

тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, замонавий қиёфага эга бўлмоқда. Миллий меъморий аъёналари ва замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида барпо этилаётган тураржойлар, ижтимоий объектлар, меҳмонхоналар, йўл ва кўприклар, сўлим боғу хиёбонлар шаҳар аҳли ва меҳмонларига қулай шароит яратмоқда. Маълумки, асрлар давомида Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида уйлар пала-партиш қуриб келинган. Оқибатда тор, эгри-бугри кўчалар ҳосил бўлган. Одамларнинг муносиб турмуш кечириши учун мутлақо шароит йўқ эди. Бу ҳолат замонавий мегаполисга айланиб бораётган, автомобиллар сони тобора кўпаяётган пойтах-

тимиз қиёфасига ярашмай турган эди. Президентимиз гоёяси асосида Эски шаҳарни қайта қуришнинг бош режаси ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, мазкур ҳудудни замонавий шаҳарга айлантириш бўйича кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. 2013 йили Хадра майдонида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2014 йили Олмазор ва Шайхонтоҳур туманларида янги йўллар қурилди. Жорий йилнинг май ойида Себзор ва Абдулла Қодирий кўчалари кесиш-чорраҳада янги замонавий кўприк очилди. Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами арафасида мазкур ҳудудда амалга оширилаётган

бунёдкорлик ишлари билан танишиб, янги йўллар, кўприклар, замонавий уйлар, коммуникациялар барпо этиш, аҳолининг яшashi ва дам олиши учун қулай шароитлар яратиш бўйича зарур кўрсатмалар берди. Ушбу тавсиялар асосида бу ерда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Нурафшон кўчасининг қурилиши аҳоли учун катта қулайлик яратиш билан бирга, Эски шаҳарни замонавий масканга айлантириш борасидаги ишларга кенг йўл очди. Ҳар томони 4 тасмали бу йўл транспортлар ҳаракатини энгиллаштирди. Кўча билан параллел равишда коммуникациялар ва муҳандислик инфратузилмаси қурилди. Бугунги кунда Нурафшон кўчаси бўйида кўп қаватли уй-жойлар бунёд этилмоқда. Президентимиз янги қурилган мазкур тураржой биноларини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 20 ноябрдаги Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмида замонавий тураржойлар барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан, бу ерда 160 хонадондан иборат бешта беш қаватли уй қуриб битказилди. Йил охиригача фойдаланишга топширилаётган 246 хонадонли яна ўн та тураржой қурилиши давом этмоқда. Биноларни лойиҳалаштиришда климат шароитлари, санитария ва хавфсизлик талаблари, халқимизнинг миллий ҳаёт тарзига оид барча жиҳатлар ҳисобга олинган. Уларни қуриш ва безатишда замонавий технология ва материаллардан фойдаланилган. Инсонларга ҳар томонлама қулайлик яратишга қаратилган эътибор уйларнинг зинасидаёқ кўзга ташланади. Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, ҳар бир зинапояннинг баландлиги одатдаги 15 сантиметрдан 12 сантиметрга, нишаблиги

27 градусдан 21 градусга пасайтирилган. Бу одамлар, айниқса, кексалар учун катта энгиллик яратган. Уйлар бир, икки, уч ва тўрт хонали қилиб қурилган. Хонадонлар кенг ва ёғур. Масалан, икки хонали ўйнинг умумий майдони 70-80, уч хоналиники 90-100 квадрат метрни ташкил этади. Шифтларнинг баландлиги 3 метр бўлиб, бу уларнинг баҳаво бўлишини таъминлайди. Меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси, ошхона, ювенил хонаси яшash ва фойдаланиш учун ҳар томонлама қулай. Президентимиз бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишар экан, қурувчиларнинг меҳнатига юқори баҳо берди. Тураржойларни қуришда инсон манфаатларини инобатга олган ҳолда иш тутиш зарур, деди Ислон Каримов. Унда яшайдиганлар ҳаётдан рози бўлиб яшасин. Айниқса, аёлларимиз учун зарур шароит ва қулайликлар яратиш даркор.

Хонадонларни жойлаштиришда ҳам халқимизнинг турмуш тарзи, оилалар таркиби инобатга олинган. Президентимизнинг тавсиясига биноан, ҳар бир ўйнинг биринчи қаватида кексалар учун мўлжалланган бир хонали квартиралар ва уларнинг рўпара-сида фарзандлари учун 3-4 хонали хонадонлар қурилган. Табаркур қарияларимиз доимо фарзандлари ёнида бўлишни хоҳлайди. Шу жиҳатдан, ёш оила ва кексаларимиз учун алоҳида ҳамда ёнма-ён хонадонлар ташкил этганимиз барчага маъқул келади. Нуруний отахону онахонлар фарзандлари, набираларидан, улар ҳам ўз ота-оналари ҳолидан хабардор бўлиб туради, бир ҳовлида яшагандек хотиржам ҳаёт кечирилади, деди давлатимиз раҳбари.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 29 июнда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2015 йил 6 августда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**  
**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**  
Ушбу Қонуннинг мақсади инвестиция ва пай фондлари фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.  
**2-модда. Инвестиция ва пай фондлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**  
Инвестиция ва пай фондлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.  
Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг инвестиция ва пай фондлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Инвестиция фонди**  
Инвесторларнинг пул маблағларини жалб этиш ва уларни инвестиция активларига қўйиш мақсадида акциялар чиқаришни амалга оширувчи юридик шахс — акциядорлик жамияти инвестиция фонди.  
Инвестиция фонди ўз фаолиятини қимматли қозғалар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади.  
Инвестиция фонди қуйидаги турда бўлиши мумкин: ўзи чиқарган акцияларни қайтариб сотиб олиш мажбуриятига эга бўлган инвестиция фонди; ўзи чиқарган акцияларни қайтариб сотиб олиш мажбуриятига эга бўлмаган инвестиция фонди.  
Инвестиция фондининг тури фондининг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади.

**4-модда. Пай фонди**  
Инвестиция фаолиятини амалга ошириш мақсадида икки ва undan ортқ шахсларнинг — инвесторларнинг ўзи ишончли бошқарувга берган пул маблағлари йиғиндис пай фонди.  
Пай фонди қуйидаги турда бўлиши мумкин: чиқарилган инвестиция пайларини ишончли бошқаруви томонидан фондининг маблағлари ҳисобидан қайтариб сотиб олиш мажбуриятига эга бўлган пай фонди; чиқарилган инвестиция пайларини ишончли бошқаруви томонидан фондининг маблағлари ҳисобидан қайтариб сотиб олиш мажбуриятига эга бўлмаган пай фонди.  
Пай фондининг тури пай фондини ишончли бошқаруш шартномасида кўрсатилади.  
Пай фонди юридик шахс бўлмайд.

**5-модда. Инвестиция пайи**  
Ўз эгаларининг пай фондидаги улушини тасдиқловчи ҳужжатсиз қимматли қозғалар инвестиция пайидир.  
Инвестиция пайига бўлган ҳуқуқлар Қимматли қозғалар марказий депозитарийси томонидан инвестиция пайлари эгасининг депо ҳисобварағидан бериладиган кўчирма билан тасдиқланади.

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги кўп йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

**Ганиева Суйима Ганиевна** — Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Мумтоз филология» кафедраси профессори, Тошкент шаҳри

**Санакулов Кувондик** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош директори, Навоий вилояти

**Топволдиев Таваккал Темирович** — «Нуруний» жамғармасининг Андижон вилояти бўлими раиси

**Ҳосилов Аваз** — Каттақўрғон туманидаги «Ҳосил» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2015 йил 25 август



Ганиева Суйима Ганиевна



Санакулов Кувондик



Топволдиев Таваккал Темирович



Ҳосилов Аваз

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТимоий соҳалар Ходимларидан Бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий гоёни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлгимизни энгиллаштириш, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она-юртага муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:

**«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»**

**Тошмуродов Маҳмадёр Эргашевич** — Камолдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти профессори

**«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»**

**Азизов Мирзажон Мамажонович** — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри

**Алимов Самандар Чориевич** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти  
**Усмонов Рамиз Бекназарович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»**

**Умиров Расул Қараевич** — Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги «Қудрат» фермер хўжалиги ишчиси, бахши

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАМ ОЛИШ КУНИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:  
2015 йил 29 август шанба дам олиш куни 2015 йил 31 август душанба кунига кўчирилсин;  
2015 йил 29 август шанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2015 йил 25 август

# ЭСКИ ШАҲАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг тавсиясига мувофиқ, кўп қаватли уйлар қурилишида шомол йўналиши, қуёш нурунинг тушишига ҳисобга олинган. Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти илмий ходимлари томонидан йил ва кун давомида қуёш ҳудудининг қайси нуқталари устидан ўтиши аниқланган. Шунга асосан уйлар қуёш нури хоналарга 2,5-3 соат тушадиган қилиб жойлаштирилган. Бу ёзда уйнинг исиб кетмаслиги, қуёш жанубда бўлган киши мавсумида эса уларни иситишни таъминлайди.

Бинонинг деворлари уй ичидаги иссиқликни сақлайдиган қилиб қурилган. Ҳар бир хонадонда алоҳида иссиқлик ва сув иситиш тизимлари ўрнатилган. Бу хона ҳароратини индивидуал бошқариш, энергия сарфини 2 баробаргача қисқартириш имконини беради.

Ҳар бир хонадонда алоҳида иссиқлик ва сув иситиш тизимлари ўрнатилган. Бу хона ҳароратини индивидуал бошқариш, энергия сарфини 2 баробаргача қисқартириш имконини беради.

Йўл бўйидаги уйлар бир қаторга эмас, балки кўчадан ҳар хил узоқликда қурилган ва оралиқ масофалари кенг олинган. Бу мавзедда шомол айланишини яхшилайди.

Тураржойлар орасида майсазорлар барпо этилган. Манзарали дарахтлар, райхонлар экилган. Болалар учун ўйин қурилмалари ўрнатилган. Фаввора ва гулзорлар ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари тураржойларда аҳоли учун қулайликларни янада ошириш, ҳудудни ободонлаштириш ва

кўчаларни ободонлаштириш бўйича тавсиялар берди.

Халқимиз ҳар соҳада улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритмоқда. Одамларимиз мана шундай обод ва замонавий уй-жойларда яшашмоқда. Ҳамма ишларимиздан мақсад-муддао ҳам аслида шу — одамларнинг орзу-умидларини рўйбга чиқаришдир, деди Президентимиз.

Истиқлол берган имкониятларнинг амалий ифодаси бўлган бундай бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари халқимиз фаровонлиги ва ҳаёт даражасини янада оширишга хизмат қилади.

**Анвар САМАДОВ,**  
**ЎЗА мухбири.**

Сарвар ҲАМИДОВ оlingан суратлар.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҶАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

### «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»

**Иноғомов Ҳакимжон Ёқубович** — «Устазода» халқ санъати усталари корхонаси ганчкор устаси

### «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

**Холиқова Одинахон Носирова** — Фарғона вилояти Кува туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

### «Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи»

**Эрматов Машраб Эргашевич** — Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти, ҳофиз

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»

- Абдуллаева Раиса Ураимова** — Жиззах вилоят музыкали драма театри актриси
- Галахов Олег Викторович** — Ўзбекистон академик рус драма театри актриси
- Давлатова Олеся Владимировна** — «Ўзбекцирк» республика биланшмаси артисти
- Жўраева Ёқутхон Маъмуровна** — Қўқон шаҳар музыкали драма театри актриси
- Қобилова Зиёда Ўткировна** — «Ўзбекнаво» эстрада биланшмаси хонандаси
- Мўминова Зулхумор Анорқулловна** — «Ўзбекфильм» киностудияси актриси
- Назарова Нгархан Кеунимжаевна** — «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли балет артисти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи»

- Жуллӣева Дилором Нурмагоматова** — Қашқадарё вилояти Дехқонobod туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси
- Қурбанбаева Зейнеп Хожабаевна** — Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўжайли тумани Тахиятош энергетика касб-хўнар коллежининг махсус фан ўқитувчиси
- Солихонов Йўлдошўжа** — Фарғона давлат университети профессори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси
- Султонов Нуралӣ Шодмонович** — Қашқадарё вилояти «Насаф» футбол мактаби катта мураббийи
- Тешабоева Одинахон Дилмуродовна** — Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»

- Есмурзаев Базарбай Кенгесбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси «Қорақалпоғистон» телеканали «Хабар» муҳарририяти шарҳловчиси
- Оттабов Аҳмад** — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бўлим мудири
- Рўзиев Шерзод Ташкентович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Тошкент» телерадиоканали «Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий дастурлар» муҳарририяти бош муҳаррири

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

- Авазўжаев Анвар Ҳожимуродович** — Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси телеоператори
- Бегимқуллова Замира Латифовна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбектелефильм» студияси сахналаштирувчи режиссёри
- Музаффарова Саодат Ҳайдаровна** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти вокал кафедраси ўқитувчиси
- Насимов Ҳилол Тўлқинович** — «Ўзбекфильм» киностудияси постановковчи-режиссёри
- Раҳимжонов Нўмон Каримович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

**Ососков Александр Владимирович** — Республика онкология илмий маркази таркибидаги Республика рентген-радиология маркази мудири

**Йўлдошев Набижон Пиримович** — Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази рентгенэндоваскуляр жарроҳлик бўлими мудири

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

- Ибрагимов Кахрамон Сулаймонович** — Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг юнон-рум кураши бўйича мураббийи
- Ҳалимов Латиф Юсуфович** — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи
- Умаров Фахриддин Жабборович** — Тошкент шаҳар 25-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг тазквондо бўйича мураббийи

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

- Бойқўзиев Жасур Тавбоевич** — Тазквондо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
- Тасмуродов Елмурат Зулиҳар-ули** — Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

- Йўлдошева Раъно Болтаевна** — Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси
- Каримов Раҳматулла Тошбоевич** — Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси
- Мирзаҳамидова Гавҳаржон Мирзаакромовна** — Наманган вилояти Қосонсой педагогика коллежининг махсус фан ўқитувчиси

### «Меҳнат шўхрати» ордени билан

- Абдуқодирова Саломат Маҳкамовна** — Тошкент вилояти Охангарон туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси
- Ашуров Хотам Бахронович** — ЎзФА Ион-плазма ва лазер технологиялари институти директори
- Эгамбердиев Қурбон** — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси
- Искандарова Раъно Ибодуллаевна** — Хоразм вилояти Хонқа тумани тиббиёт биланшмаси «Галаба» қишлоқ врачлик пункти мудири
- Қобилов Насрулла Кўчорович** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти
- Миршарипов Ҳабибулло Йўлдошев** — Фарғона вилояти Фарғона транспорт касб-хўнар коллежининг махсус фан ўқитувчиси
- Ортиқбоев Аминбой Урозбоевич** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УзАнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича муҳбири
- Содиқов Абдувоҳид** — Тошкент вилояти силга қарши кураш диспансери бош шифокори — вилоят бош фтизиатри
- Туламетов Баҳодир Аҳмедович** — «Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳандиси ўринбосари
- Ҳошимов Шўхрат Хуршидович** — Академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази бош шифокори
- Ҳайдаров Меҳриддин Икромович** — Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси
- Шоқидиров Рустам Исрофилович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Тошкент телемаркази гуруҳ бошлиғи

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга қўйишга ишга қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

### II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

- Оттабов Алимжон Жуманазарович** — Республика қўғирчоқ театри актриси
- Қутлимуратова Феруза Калбаевна** — Нукус «Она ва бола скрининги» маркази бўлим мудири, генетик-шифокор
- Маманазаров Қурбон Мамаражабович** — Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази нейрохирургия бўлими мудири
- Нурова Зайнаб Эргашевна** — Бухоро вилояти Пешку тумани тиббиёт биланшмаси чақалоқлар бўлими катта ҳамшираси
- Эминов Баҳодир Жўраевич** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали болалар реанимацияси бўлими мудири

### «Дўстлик» ордени билан

- Алимбеков Адҳамбек Камолович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси халқаро алоқалар ва бадий таржима бўлими масъул котиби
- Аҳимбетова Гулбахар Канатбаевна** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали ўқитувчиси
- Жумаев Шариф Каримович** — Сирдарё вилоят музыкали драма театри актриси
- Каримова Севар Абдулазизовна** — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби мураббийи
- Мамедов Мобил Якуб ўғли** — Республика озарбайжон миллий-маданий маркази раиси
- Маҳмудова Ҳикоят** — «Мозийдан садо» журнали бўлим муҳаррири
- Насриддинов Алишер Шоасилевич** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, расом
- Низомиддинов Ҳайитали Маматқуллович** — Республика сатира театри актриси
- Сетян Мартин Вараздатович** — Республика арман миллий-маданий маркази раиси
- Тангриев Лазиз Хўшбоқович** — Фафур Фулом номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи директори
- Туркина Анна Владимировна** — Ўзбекистон миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари биланшмасининг Давлат хор капелласи бадий раҳбари
- Умаров Баҳодир Зокирович** — «Маънавият» наشريёти бош муҳаррири
- Умарова Бактигул Сериковна** — Навоий вилояти Қонимех туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси
- Уринов Эсонбой** — «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш биланшмаси бошқарма бошлиғи
- Халмурзаев Альберт Шарифович** — Ўзбекистон Ёшлар театри актриси
- Шокин Дмитрий Александрович** — Тазквондо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
- Юнусов Салават Идрисович** — «Ўзбекцирк» республика биланшмаси ижодий гуруҳ бошлиғи

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

### «Шўхрат» медаллари билан

- Абдувоитова Гулчехра Имонқулловна** — Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси
- Абдурахмонов Бекзод Маҳаммаджонович** — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
- Акрамўжаева Феруза Фанихўжаевна** — Ўзбекистон давлат табиат музейи табиатшунослик бўлими катта илмий ходими
- Алиева Дилдорхон Юнусовна** — «Жаҳон адабиёти» журнали катта корректори
- Алимова Сабоҳат Зарифовна** — Сурхондарё вилояти Термиз санъат коллежи халқ чолғулари кафедраси ўқитувчиси
- Алланазарова Қизларгул Толибоевна** — Қорақалпоғистон Республикаси Қанлиқўл тумани тиббиёт биланшмаси «Алтинқўл» қишлоқ врачлик пункти мудири
- Алланбаев Рудакий Оринбаевич** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти вокал кафедраси катта ўқитувчиси
- Аҳмадиева Гулноз Икромовна** — Олимпия шон-шўхрати музейи бош муҳофизси
- Очилова Манзура Шералиевна** — Қарши муҳандислик-иқтисодий институти қошидаги академик лицей математика фани ўқитувчиси
- Бобойров Абдунаби** — «Куч — адолатда» газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича муҳбири
- Воронина Екатерина Александровна** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
- Галактионов Валерий Владимирович** — «Ўзбекцирк» республика биланшмаси артисти
- Ерходжаев Наҳиддин Сирожиддинович** — Тошкент шаҳар 5-сонли болалар клиник шифохонаси реанимация бўлими мудири
- Жуманиёзова Раъно** — Республика Маънавият тарғибот маркази Булоқбоши тумани бўлими тарғиботчиси
- Зарипова Меҳрибон Абдурахмоновна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телерадиокомпанияси катта муҳаррири
- Зиёддинов Шавкат Наҳиддинович** — Республика Маънавият тарғибот маркази Қўшработ тумани бўлими тарғиботчиси
- Ибрагимова Малухат Воҳитовна** — «Ўқитувчи» наشريёт-матбаа ижодий уйи катта корректори
- Исамединова Юлдуз Ибражановна** — Андижон шаҳар тиббиёт биланшмаси 5-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори
- Кабиров Саиджарим Алимович** — «Истиқлол» санъат саройи директори ўринбосари
- Каллиев Абатбай Наҳметуллович** — Нукус маданият ва санъат коллежи ўқитувчиси

- Қурбон Сойиб Ражабович** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
- Латипов Жасурбек Мадаминжон ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
- Мавлонов Саидмуҳтор Мақсудович** — ЎзФА Биоорганик кимё институти лаборатория мудири
- Мелиқўзиев Бектемир Рўзमतжон ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси
- Мирпайзиев Мирбахтиёр Содикович** — «Ўзбекистон овози» газетаси муҳбири
- Муродова Ҳамро Бадаловна** — Қашқадарё вилояти «Чироқчи чироқлари» фольклор-этнографик халқ ансамбли хонандаси
- Нийёзова Нилуфархон Абдулхамидовна** — «Камолот» ЕИХ Наманган вилояти Кенгаши «Камолот» газетаси муҳаррири
- Нўмонов Исмоил Эргашевич** — Бухоро вилояти Қогон шаҳар тиббиёт биланшмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири
- Омонова Нодира ўрзонова** — Қашқадарё вилояти Камаши тумани тиббиёт биланшмаси «Баландчайла» қишлоқ врачлик пункти мудири
- Отенов Толеғон** — ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий фанлар илмий тадқиқот институти Ботаника бўғи директори
- Пўлатова Зухра Давроновна** — Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси етакчи муҳаррири
- Ражапов Анвар Жумабоевич** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси бош шифокори
- Раҳматов Асқарали Эшмўминович** — Сурхондарё вилояти Олтинсой ахборот технологиялари ва сервис касб-хўнар коллежининг махсус фан ўқитувчиси
- Рўзиқуллов Фахриддин Бозорович** — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Бадий экспертиза бошқармаси назорат бўлими бош санъатшунос-назоратчиси
- Рўзметова Турсуной Абдушариповна** — Навоий санъат ва маданият коллежи махсус фан ўқитувчиси
- Садирова Дилдорхон Ҳошимовна** — Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси
- Саъдуллаев Аллазар** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими аъзоси, кулол
- Сайдиқалиев Пўлат Собитович** — «Ватанпарвар» газетаси адабий ходими
- Сапаев Сапармат Абдуллаевич** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Спорт» телерадиоканали «Хабарлар» муҳарририяти бош муҳаррири
- Саттиева Гулбахор Қодировна** — Андижон тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси
- Синдоров Аннокул Мийлиевич** — Самарқанд вилояти Қўшработ тумани тиббиёт биланшмаси «Шована» қишлоқ врачлик пункти мудири
- Султонова Зулфия Султоновна** — Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали кафедра мудири
- Сўфиев Абдусамат Мақсудович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Фарғона вилоят телерадиокомпанияси гуруҳ раҳбари
- Тангиров Гулбахор Эшматовна** — «Сурхон тонги» — «Заря Сурхана» газеталари бош муҳаррири
- Ташматова Азатгул Раҳимовна** — Ўзбекистон давлат консерваторияси «Миллий чолғу» илмий-ишлаб чиқариш экспериментал лабораторияси директори, доцент
- Тешабоев Каҳрамон Рашидович** — «Ўзбекистон» наشريёт-матбаа ижодий уйи чоп этиш цехининг қоғоз кесиш машинаси машинисти
- Толипов Шўхрат Маннопович** — Ўзбекистон миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари биланшмаси артисти
- Тошев Даврон Бўронович** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, миниатюрчи расом
- Трошина Виктория Юрьевна** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтаъсирчи расом
- Узоқова Санобар Тиркашовна** — Тошкент вилояти Юрчи Чирчиқ тумани тиббиёт биланшмаси «Кавардон» қишлоқ врачлик пункти мудири
- Фозилов Зулфиқор Хусанович** — Жиззах вилояти Мирзачўл тумани тиббиёт биланшмаси «Богбон» қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори
- Ҳаметова Камила Тахировна** — «Ўзбекцирк» республика биланшмаси артисти
- Ҳамидов Юсуфжон Воҳидович** — «Халқ сўзи» газетаси масъул котиби
- Ҳўжамбердиева Замирахон** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира
- Ҳоҗиев Хайрулла Фуломқодирович** — Тошкент вилояти Зангиота агросервиси касб-хўнар коллежининг махсус фан ўқитувчиси
- Худойқуллова Муқаддас Тожиқулловна** — Сирдарё вилояти Гулистон тумани тиббиёт биланшмаси «Боевўт» қишлоқ врачлик пункти дояси
- Хусанов Мирабзал Зоирович** — Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси аъзоси
- Хўшвақов Луқмон** — 1-сонли Республика клиник шифохонаси хирургия бўлими мудири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2015 йил 25 август

Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИ

## Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**6-модда. Инвестиция активлари**

Инвестиция фондининг ёки пай фондининг инвестиция портфелини ташкил этувчи қимматли қоғозлар, улушлар, пул маблағлари (шу жумладан чет эл валютаси), омонатлар ва кўчмас мулк инвестиция активларидир.

**7-модда. Инвестиция ва пай фондларининг номи**

Инвестиция фондининг ёки пай фондининг тўлиқ номи тегишчан «инвестиция фонди» ёки «пай фонди» деган сўз бирикмасини ўз ичига олган бўлиши керак ҳамда бошқа инвестиция ва пай фондларининг номига ўхшаш бўлиши мумкин эмас. Бунда пай фондининг номида инвестиция қилиш объекти (акция, облигация, хом ашё бозорлари, юқори технологиялар ва бошқалар) кўрсатилиши керак.

Инвестиция ва пай фондлари қисқартирилган номга эга бўлиши мумкин.

Инвестиция фонди бўлмаган юридик шахслар ўз номида «инвестиция фонди» деган сўз бирикмасидан фойдаланишга ҳақли эмас.

Инвестиция фонди ўзининг тўлиқ номи давлат тилида ифода қилинган ва ўз жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрда эга бўлиши шарт. Муҳрда унинг номи айна вақтининг ўзиде бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Инвестиция фонди ўзининг номи ёзилган штамплари ва бланкалари, ўз эмблемасига эга бўлишга ҳақли.

**8-модда. Ишончли бошқарувчи**

Ишончли бошқарувчи деганда ушбу Қонунда инвестиция фондларини ва (ёки) пай фондларини ишончли бошқариш шартномаси асосида ишончли бошқаришни амалга оширувчи юридик шахс тушунилади. Ишончли бошқарувчи қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчидир.

Ишончли бошқарувчи ўзи бошқарадиган инвестиция активлари ўртача йиллик қийматининг камида 5 фоизи миқдорда ўз капиталига (устав капиталига қўйилган номоддий активларни чегириб ташлаган ҳолда) эга бўлиши керак.

Инвестиция фондини ва (ёки) пай фондини бошқарувага қабул қилган ишончли бошқарувчи ишончли бошқариш шартномасида назарда тутилган доирада бу фондларга (фонда) нисбатан мулкдорнинг ҳуқуқларини амалга оширади.

Ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида, инвестиция фондининг уставида, ишончли бошқариш шартномасида ҳамда инвестиция фондининг ижроия органи тўғрисидаги низомида белгиланади.

Ишончли бошқарувчи ўзининг уставида белгиланган тарихида ва тартибда ички аудит хизматини ташкил этиши шарт.

Ишончли бошқарувчи ўз бошқарувида бўлган инвестиция фондларининг акцияларини ва пай фондларининг инвестиция пайларини олишга ҳақли эмас. Инвестиция ва пай фондлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда, ишончли бошқарувчи инвестиция фонди акцияларининг ва пай фонди инвестиция пайларининг эгалари олдида етказилган ҳақиқий зарар миқдорда жавобгар бўлади.

Хизматлар кўрсатганлик учун ишончли бошқарувчи инвестиция фондининг ва (ёки) пай фондининг маблағлари ҳисобидан ишончли бошқариш шартномасига мувофиқ ҳақ тўлашади. Ҳақнинг умумий миқдори ва уни тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари ушбу шартномада белгиланади.

**9-модда. Ишончли бошқариш шартномаси**

Ишончли бошқарувчи ва инвестиция фонди ўртасида ёхуд ишончли бошқарувчи ва пай фондининг инвесторлари ўртасида тузиладиган, ишончли бошқариш чоғидаги чекловларни, ҳақ тўлаш ва харажатларнинг ўрнини қоплаш тартибини, шартноманинг амал қилишини тугатиш асослари ва шартларини, тарафларнинг жавобгарлигини ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа қоидаларни назарда тутадиган шартнома ишончли бошқариш шартномасидир.

Пай фондини ишончли бошқариш шартномаси қўшилиш шартномасидир.

Ишончли бошқарув ишончли бошқариш шартномасига мувофиқ амалга оширилади, ишончли бошқарувчининг раҳбари томонидан ушбу шартнома:

акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига асосан инвестиция фондининг кузатув кенгаши раиси билан; шартномани имзолаш ва унга қўшилиш орқали пай фондининг инвесторлари билан тузилади.

Инвестиция фонди томонидан бир вақтнинг ўзиде бир нечта ишончли бошқарувчи билан ишончли бошқариш шартномаси тузишга йўл қўйилмайди.

Ишончли бошқариш шартномасида унинг ажралмас қисми бўлган ва инвестиция активларининг таркибига нисбатан талаблар қўядиган инвестиция декларацияси бўлиши керак.

Пай фондини ишончли бошқариш шартномасининг амал қилиш муддати беш йилдан ошмаслиги керак. Агар инвестиция пайларининг эгалари ўзларига тегишли барча инвестиция пайларини муомаладан чиқаришни талаб қилмаган бўлса, шартноманинг амал қилиш муддати инвестиция пайлари эгалари умумий йиғилишининг қарори билан бир йилга узайтирилиши мумкин.

**10-модда. Инвестиция декларацияси**

Инвестиция декларациясида куйидагилар бўлиши керак:

инвестиция фондини ёки пай фондини ташкил этиш ва унинг фаолиятини амалга ошириш мақсади; инвестиция фондининг ёки пай фондининг пул маблағлари ва бошқа маблағлари инвестиция қилинадиган инвестиция активларининг тўғрисида; инвестиция тавakkалчиликларининг тавсифи; ишончли бошқарувчи сақлаб туриши шарт бўлган инвестиция активларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар (хар хил турдаги қимматли қоғозлар ва эмитентлар ўртасидаги, шунингдек қимматли қоғозлар, пул маблағлари ва бошқа инвестиция активлари ўртасидаги нисбат);

инвестиция декларациясининг инвестиция фонди ёки пай фонди ва ишончли бошқарувчи томонидан риоя этилиши шарт бўлган қоидаларининг амал қилиш муддати;

пай фондининг инвестиция пайлари эгалари умумий йиғилишининг ваколатлари тўғрисидаги қоидалар, инвестиция пайи ҳар бир эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек пай фондини ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Инвестиция фондининг инвестиция декларацияси, шу жумладан унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар инвестиция фонди акциядорлари умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланади.

Пай фондининг инвестиция декларацияси, шу жумладан унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар пай фонди инвесторларининг (инвестиция пайлари эгаларининг) қарори билан тасдиқланади.

Инвестиция декларацияси, шу жумладан унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига ушбу декларация тасдиқланган кундан эътиборан ўн календар кун ичида тақдим этилади.

**2-боб. Инвестиция фонди****11-модда. Инвестиция фондини ташкил этиш**

Инвестиция фонди янги юридик шахсни таъсис этиш ёки бошқа инвестиция фондини қайта ташкил этиш йўли билан ташкил этилади. Инвестиция фондини инвестиция фонди бўлмаган бошқа юридик шахсни қайта ташкил этиш орқали ташкил этишга йўл қўйилмайди.

Инвестиция фонди тижорат ташкилоти бўлиб, у ўзининг алоҳида ҳисобга олинадиган мол-мулкига, шу жумладан устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади.

Юридик ва жисмоний шахслар инвестиция фондининг муассислари (акциядорлари) сифатида иш юритиши мумкин.

Инвестиция фондини давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Инвестиция фондини ташкил этишда унинг акциялари қийматини тўлаш пул маблағлари, қимматли қоғозлар, улушлар, шунингдек кўчмас мулк ва бошқа мол-мулк, мулкрий ҳуқуқлар билан амалга оширилади. Бунда унинг устав капиталининг камида 75 фоизи пул шаклида тўланиши керак.

Инвестиция фондининг акцияларини жойлаштириш фонд биржасида амалга оширилади, бундан ушбу фонд муассислари ўртасида ёпиқ обуна бўйича жойлаштириладиган акцияларнинг дастлабки чиқарилиши мустасно.

**12-модда. Инвестиция фондининг бошқарув органилари**

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши, шунингдек ваколатларини ишончли бошқарувчи амалга оширадиган ижроия органи инвестиция фондининг бошқарув органиларидир.

**13-модда. Инвестиция фондининг фаолиятидаги чекловлар**

Инвестиция фонди: фаолиятини лицензия олмасдан амалга оширишга; корпоратив облигациялар ва инфратузилма облигациялари, шунингдек имтиёзли акциялар чиқаришга;

инвестиция фонди соф активларининг 10 фоиздан ортигини бир эмитентнинг қимматли қоғозларига ёки масъулияти чекланган жамиятнинг улушига инвестиция қилишга;

тўланиши лозим бўлган қарзларнинг жами ҳажми кредит ва (ёки) қарз битими имзоланган санадаги инвестиция фонди соф активлари қийматининг 15 фоиздан ошиб кетган тақдирда, кредит ва (ёки) қарз маблағларини жалб этишга (бунда кредит ва (ёки) қарз муддати уч ойдан ошиб кетмаслиги керак);

кафил бўлишга, мол-мулкни ёки мулкрий ҳуқуқларни гаровга қўйишга;

ташкрий-ҳуқуқий шакли ўз иштирокчиларининг қўшимча жавобгарлигини назарда тутадиган ҳўжалик жамиятларининг қимматли қоғозларига ва улушларига инвестицияларни амалга оширишга; ишончли бошқарувчи, аудиторлик ташкилотлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга инвестицияларни амалга оширишга, шунингдек уларнинг устав капиталдаги улушларини олишга;

бошқа инвестиция фондларининг акцияларини олишга ва уларга эга бўлишга; инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлмаган битимлар тузишга, опционлар ёки фьючерслар олишга; умумий суммаси фонд соф активларининг 10 фоиздан ортиқ инвестицияларни амалга оширишга (бундан қимматли қоғозларга қўйиш мустасно) ҳақли эмас.

**14-модда. Инвестиция фондини қайта ташкил этиш ва тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Инвестиция фонди инвестиция фонди сифатида ўз фаолиятини тугатмасдан юридик шахснинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларига ўзгартирилишга ҳақли эмас.

Ишончли бошқарувчи бўлмаган тақдирда, инвестиция фондининг кузатув кенгаши уч ой ичида ишончли бошқарувчи ёллаши ёхуд инвестиция фондини тугатиш ташаббуси билан чиқиши шарт.

**15-модда. Инвестиция фонди мол-мулкнинг ҳисоби ва уни сақлаш**

Инвестиция фондлари томонидан чиқарилган ва уларга тегишли қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлари ҳисобга олиш, шунингдек уларни сақлаш, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Инвестиция активлари ишончли бошқарувчида алоҳида балансда акс эттирилади ва у бўйича мустақил ҳисоб юритилади. Ишончли бошқариш билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоб-китоблар учун алоҳида банк ҳисобварағи очилади.

Инвестиция фондининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда молия, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботларни тузиш ишончли бошқарувчи томонидан амалга оширилади.

Ишончли бошқарувчи фонд инвестиция активларининг алоҳида ҳисобини юритади, уларнинг яхлитлигини ва бут сақлалишини таъминлайди, шунингдек инвестиция фондининг молия, солиқ ҳисоботлари ҳамда бошқа ҳисоботларининг тўғрилиги ва ишончилиги учун жавобгар бўлади.

**3-боб. Пай фонди****16-модда. Пай фондини ташкил этиш**

Пай фондини ташкил этиш тўғрисидаги қарор ишончли бошқарувчи томонидан қабул қилинади.

Инвестор ишончли бошқарувчи билан тузиладиган, инвесторларнинг пул маблағларини умумий улушли мулк ҳуқуқи асосида пай фондига бирлаштириш назарда тутилган шартнома асосида пай фондига пул маблағларини киритади.

Ишончли бошқарувчи ўзининг алоҳида банк ҳисобварағига инвесторлар пул маблағларини киритганидан кейин икки иш кун ичида уларга инвестиция пайларини беради.

Инвестиция пайларини жойлаштириш барча инвесторлар учун ягона нарх бўйича амалга оширилади. Пай фондининг пул маблағлари инвестиция декларациясига биноан инвестиция қилинади.

Пай фондини ишончли бошқариш жараёнида олинган даромадлар ишончли бошқарувчининг алоҳида банк ҳисобварағида жамланади.

Пай фонди у Пай фондларининг ягона реестрига киритилган ва тегишли ахборот қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ҳамда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг расмий веб-сайтларида эълон қилинган пайдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади.

Пай фондларининг ягона реестрини юритиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**17-модда. Пай фондининг ва инвестиция пайларининг ҳисоби**

Пай фондининг ҳисоби пай фонди Пай фондларининг ягона реестрига киритилганидан кейин инвестиция пайларини ҳисобга қўйиш орқали Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади. Инвестиция пайлари пай фондини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайдан эътиборан бир ҳафта ичида ҳисобга қўйилиши керак.

Инвестиция пайларини ҳисобга қўйиш чоғида инвесторларга Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида депо ҳисобварақлари очилади, бу ҳисобварақларда инвесторларга тегишли инвестиция пайларига бўлган ҳуқуқларнинг ҳисоби юритилади.

**18-модда. Инвесторларнинг пул маблағларини ва пай фондининг инвестиция активларини тасарруф этиш**

Ишончли бошқарувчи пай фонди Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида ҳисобга қўйилганидан кейин инвесторларнинг пул маблағларини тасарруф этишга ҳақли.

Пай фондининг пул маблағлари ишончли бошқарувчининг раҳбари ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг ваколатли мансабдор шахси томонидан имзоланадиган тўла ҳужжат асосида сарфланади.

Пул маблағларидан ҳамда бошқа инвестиция активларидан фойдаланишнинг мақсади ва йўналишлари ишончли бошқариш шартномаси шартларида, шу жумладан инвестиция декларациясига мувофиқ бўлиши керак.

Инвестиция активлари бўйича олинган даромадлар пай фондининг инвестиция пайлари эгалари ўртасида йилда бир марта тақсимланади ёхуд инвестиция пайларининг барча эгалари розилигига кўра қайта инвестиция қилинади. Пай фондининг инвестиция пайлари эгаларига даромадларни тўлаш ишончли бошқарувчи томонидан амалга оширилади.

Ишончли бошқарувчи томонидан пай фонди номидан ва ушбу фонд маблағлари ҳисобидан тузиладиган шартномалар Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида рўйхатдан ўтказилиши керак.

**19-модда. Пай фондининг инвестиция активларини тасарруф этишдаги чекловлар**

Пай фондининг пул маблағлари: фонд инвестиция активларининг 10 фоиздан ортиқ миқдорда бир эмитентнинг қимматли қоғозларига ёки масъулияти чекланган жамиятнинг улушларига инвестиция қилиниши;

ташкрий-ҳуқуқий шакли ўз иштирокчиларининг қўшимча жавобгарлигини назарда тутадиган ҳўжалик жамиятларининг қимматли қоғозларига ва улушларига инвестиция қилиниши;

ишончли бошқарувчи, аудиторлик ташкилотлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга, шунингдек уларнинг устав капиталдаги улушларини олишга инвестиция қилиниши;

инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йўналишлар бўйича фойдаланилиши; фонд инвестиция активларини умумий суммасининг 10 фоиздан ортиқ миқдорда инвестиция қилиниши (бундан қимматли қоғозларга қўйиш мустасно) мумкин эмас.

**20-модда. Инвестиция пайининг муомаласи**

Инвестиция пайининг муомаласи унинг фонд биржасидаги олди-сотдиси ва инвестиция пайининг эгаси алмаштиришга олиб келадиган бошқа ҳаракатларни бажариш орқали амалга оширилади.

Ишончли бошқариш шартномасида пай фондининг инвестиция пайларини уларнинг эгаси талабига кўра, айна бир ишончли бошқарувчининг ишончли бошқарувида бўлган бошқа пай фондининг инвестиция пайларига алмаштириш имконияти назарда тутилиши мумкин. Бунда бир пай фондининг инвестиция пайларини бошқа пай фондининг инвестиция пайларига алмаштириш имконияти лозим бўлган инвестиция пайларини муомаладан чиқариш санаси алмаштирилетган инвестиция пайларини бериш санасига мос келган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин.

**21-модда. Пай фондини тугатиш**

Пай фондини тугатиш куйидаги ҳолларда амалга оширилади:

ишончли бошқариш шартномасининг амал қилиш муддати тугаганда;

барча инвестиция пайларини муомаладан чиқариш учун буюртмалар келиб тушганда; ишончли бошқарувчининг лицензияси бекор қилинганда, агар унинг пай фондини ишончли бошқариш шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари лицензия бекор қилинган кундан эътиборан уч ой ичида бошқа ишончли бошқарувчи берилмаган бўлса;

пай фонди ҳужжатларида кўрсатилган пай фондини ташкил этиш ва унинг фаолиятини амалга ошириш мақсадига эришилганда; инвестиция пайлари эгаларининг пай фондини тугатиш тўғрисида бир овоздан қабул қилинган қарори мавжуд бўлганда.

Пай фондининг инвестиция активлари ишончли бошқарувчи томонидан фонд биржасида (қимматли қоғозлар учун) ва кимодо савдосида реализация қилиниши лозим. Пай фондининг инвестиция активларини реализация қилишдан тушган маблағлар пай фондининг инвестиция пайлари эгаларига ўзларига тегишли бўлган инвестиция пайлари сонига мутаносиб равишда тўланиши керак.

Пай фонди инвестиция пайлари эгаларининг пай фонди негизда инвестиция фондини таъсис этиш тўғрисида бир овоздан қабул қилинган қарори пай фондини тугатиш ҳақидаги қарор деб эътироф этилади.

Пай фонди тугатилганда мазкур пай фонди ишончли бошқарувчининг фаолияти аудиторлик ташкилоти томонидан мажбурий аудитдан ўтказилиши керак.

**22-модда. Инвестиция пайини муомаладан чиқариш**

Инвестиция пайини муомаладан чиқариш пай фонди тугатилганда амалга оширилади.

Инвестиция пайини муомаладан чиқариш куйидагилар орқали амалга оширилиши мумкин:

инвестиция пайининг қийматини ишончли бошқарувчи томонидан пай фонди маблағлари ҳисобидан пул маблағлари билан тўлаш;

инвестиция пайини пай фонди негизда тузилган инвестиция фондининг акцияларига айирбошлаш.

**4-боб. Инвестиция ва пай фондларининг фаолиятини тартибга солиш****23-модда. Инвестиция ва пай фондларининг фаолиятини тартибга солиш амалга ошириш**

Инвестиция ва пай фондлари фаолиятини тартибга солиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан куйидагилар орқали амалга оширилади:

инвестиция ва пай фондларини ишончли бошқариш тартибини, шу жумладан ушбу фондларнинг инвестиция активлари ҳисобини юритиш ҳамда уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш тартибини белгилаш;

ишончли бошқарувчи мансабдор шахсларининг ҳамда аффилиланган шахсларининг инвестиция ва пай фондлари операцияларида иштирок этишини чеклаш;

инвестиция декларациясининг мазмунига ҳамда инвестиция ва пай фондларининг бошқа ҳужжатларига доир талабларни белгилаш;

инвестиция ва пай фондларининг, ишончли бошқарувчининг ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг фаолиятини назорат қилиш.

Ишончли бошқарувчи билан тузилган шартнома асосида ишончли бошқарувчи номидан ва унинг ҳисобидан фаолият юритувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига инвестиция пайларини бериш, муомаладан чиқариш ва алмаштириш бўйича агент бўлиши мумкин. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг инвестиция пайларини бериш, муомаладан чиқариш ва алмаштиришга доир фаолияти тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

**24-модда. Инвестиция активларининг ҳисоби ва улар бўйича ҳисоботлар**

Инвестиция активларининг ҳисобини юритиш ва ушбу активлар бўйича ҳисоботлар тузиш ишончли бошқарувчи томонидан амалга оширилади.

Инвестициялар пай фондининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилган тақдирда, қимматли қоғозлар эгаларининг реестрида ва ҳўжалик жамиятларининг таъсис ҳужжатларида ишончли бошқарувчи кўрсатилиб, у пай фондининг ишончли бошқарувчиси сифатида фаолият юритаётганлиги тўғрисида белги қўйилади.

**25-модда. Инвестиция ва пай фондларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш**

Инвестиция ва пай фондларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш ишончли бошқарувчи томонидан куйидагилар орқали амалга оширилади:

ахборотни инвестиция фондларининг, пай фондлари ишончли бошқарувчинининг, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг, шунингдек фонд биржасининг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эълон қилиш; ахборотни белгиланган тартибда сўровга кўра тақдим этиш.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ва фонд биржаси ушбу моддада назарда тутилган ахборотни ўз расмий веб-сайтларида эълон қилганлик учун ҳақ олишга ҳақли эмас.

**5-боб. Яқунловчи қоидалар****26-модда. Низоларни ҳал этиш**

Инвестиция ва пай фондлари фаолияти соҳасидаги низ

